

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА
ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК
ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АИМБЕТОВ ИЗЗЕТ КАЛЛИЕВИЧ

**ҚОРАҚОЛПОЎИСТОННИНГ ШҶР ГРУНТЛАРИДА БИНО
ВА ИНШООТЛАР ҚУРИШНИНГ МУҲАНДИСЛИК-ГЕОЛОГИК
АСОСЛАРИ**

04.00.04 – Гидрогеология ва муҳандислик геологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)

Аимбетов Иззет Каллиевич Қорақолпоғистоннинг шўр грунтларида бино ва иншоотлар қуришнинг муҳандислик-геологик асослари.....	3
Аимбетов Иззет Каллиевич Инженерно-геологические основы строительства зданий и сооружений на засоленных грунтах Каракалпакстана.....	29
Aimbetov Izzet Kallievich Engineer-geological basis for building of buildings and constructions on salt soils of Karakalpakstan.....	53
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	57

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА
ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК
ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АИМБЕТОВ ИЗЗЕТ КАЛЛИЕВИЧ

**ҚОРАҚОЛПОЎИСТОННИНГ ШҶР ГРУНТЛАРИДА БИНО
ВА ИНШООТЛАР ҚУРИШНИНГ МУҲАНДИСЛИК-ГЕОЛОГИК
АСОСЛАРИ**

04.00.04 – Гидрогеология ва муҳандислик геологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.DSc/T238 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақолпоқ табиий фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз-резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.gpniimr.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Таинланмаган
Расмий оппонентлар:	Қаюмов Абдубаки Джалилович техника фанлари доктори, профессор Иргашев Юлдашбай Иргашевич геология-минералогия фанлари доктори, профессор Шерфединов Ленза Зекерьяевич геология-минералогия фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	«Ўзбекгидрогеология» ДУК

Диссертация ҳимояси Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.GM.40.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 11^а-уй). Тел.: (99871) 256-13-49, факс: (99871) 140-08-12, e-mail: info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz).

Диссертация билан Минерал ресурслар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 11^а-уй). Тел.: (99871) 256-13-49.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги ___ - сон реестр баённомаси)

М.М. Пирназаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

К.Р. Мингбоев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, г.-м.ф.н.

Қ.Н. Абдуллабеков
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, г.-м.ф.д., академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг арид минтақаларида сув ресурсларидан нотўғри равишда фойдаланиш грунтларнинг шўрланишига олиб келмоқда, бу эса мамлакатларнинг иқтисодиётига сезиларли салбий таъсир кўрсатмоқда ва шу боис унинг ечими дунёнинг турли соҳа мутахассислари, шунингдек мухандислик геология соҳаси олимлари учун муҳим аҳамият касб этади. Бу борада жаҳонда шўрланган грунтларнинг мухандис-геологик ҳоссаларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар кенг миқёс олиб борилмоқда, сабаби грунтларнинг шўрланиши уларнинг физик-механик ҳоссаларига таъсир этади, грунтларнинг ва ер ости сувларининг бино ва иншоотларнинг ер ости қисмига агрессив таъсирини кучайтиради.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган давлатларида грунтларнинг мухандис-геологик ҳоссаларига ва қурилиш материалларининг физик-механик хусусиятларига тузлар таъсирини тадқиқ этиш дунёнинг етакчи илмий марказлари тамонидан амалга оширилмоқда. Жумладан, грунтларнинг физик-механик ҳоссаларига тузлар таъсирини аниқлаш; шўрланишнинг қурилиш материалларига салбий таъсирини тадқиқ этиш ва бино, иншоотларнинг ер ости қисмини агрессив тузлар таъсиридан ҳимоялаш; шўрланган грунтларнинг механик ҳоссаларини аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш; шўрланган ҳудудларни районлаштириш. Бу эса ўз навбатида шўрланган грунтларда бино ва иншоотларни ишончли лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Республикада Орол денгизи қуриб кетиши натижасида юзага келган муаммоларни ечиш мақсадида қурилиш ишларини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилган. Жумладан, Қорақолпоғистоннинг қишлоқ жойларида янги турар жойлар, саноат корхоналарининг бинолари ва гидротехник иншоотлар қурилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Иқлимнинг глобал ўзгаришининг ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ ҳўжалиги ва инсон турмушининг ривожланишига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чоралар»¹ бўйича вазифалари белгиланган. Бу борада Қорақолпоғистоннинг мухандислик-геология шароитларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишларини ўтказиш мақсадка мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731 сон «Орол бўйи регионини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Давлат дастури» Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги 255-сон «Орол офотчилиги оқибатларини юмшатиш, Орол бўйи регионини

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг беш устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ҳалқ сўзи газетаси. 8.02.2017- йил № 28 (6722) сон.

2015-2018 йилларда қайта тиклаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича чоралар комплекс дастури ҳақида»ги Қарори ҳамда ушбу соҳага оид бошқа ҳукукий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертацион тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган: VIII. «Ер ҳақидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом-ашёларни қайта ишлаш)» ҳамда Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар Агентлигининг 2018-2019 йилларга мўлжалланган мақсадли амалий тадқиқотлар дастурининг 124-банди: «Ўзбекистон Республикаси гидротехникавий, сув объектларини ишончли, хавфсиз ва самарали эксплуатация қилиш ва бошқариш учун илмий асосланган усуллар, системалар ва формаларини ишлаб чиқиш».

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.²

Шўрланган грунтларда бино ва иншоотларни қуриш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг таниқли марказлари ва олий ўқув юртларида амалга оширилмоқда, жумладан: Department of Geotechnical Engineering and Geosciences of Technical University of Catalonia (Испания), Imam Khomeini International University (Эрон), State Key Laboratory of Hydraulics and Mountain River Engineering Sichuan University (ХХР), Н.М.Герсеванов номидаги Асослар ва ер ости иншоотлари илмий тадқиқот институти, (Россия), ЎзР ФА Сейсмология Институти, И.А.Каримов номидаги ТДТУ, Тошкент автотўйлар институти, САНИИИРИ, ГИДРОИНГЕО институти (Ўзбекистон).

Дунё миқёсида тузлар грунтларнинг физик-механик хоссаларига таъсир қилишининг амалий масалаларини ҳал қилишга оид олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор ижобий натижалар олинган, жумладан: тузларнинг қурилиш материалларининг механик хоссаларига салбий таъсири асосланган (Geotechnical Engineering and Geosciences of Technical University of Catalonia, Испания); экспериментал тадқиқотлар асосида тузлар гил грунтларнинг мустаҳкамлигини камайтириши аниқланган (Imam Khomeini International University, Эрон); Тузлар қаттиқ тоғ жинслари мустаҳкамлигини камайтириши лаборатория тажрибалари асосида аниқланган (State Key Laboratory of Hydraulics and Mountain River Engineering Sichuan University, ХХР); гипс грунтларнинг механик кўрсаткичларини пасайишига олиб келиши исботланган (Н.М.Герсеванов номидаги Асослар ва ер ости иншоотлари илмий тадқиқот институти, Россия); Лаборатория тажрибалари орқали Ўзбекистон ҳудудидаги грунтларда механик хоссаларининг туз таъсирида пасайиши аниқланган (Сейсмология

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи «Springer», «Elsiver» нашриёт корпорацияларининг сайтларидаги материаллар ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Институти, И.А.Каримов номидаги ТДТУ, Тошкент автотўллар институти, САНИИИРИ, ГИДРОИНГЕО институти).

Дунё миқёсида шўрланган грунтларда бино ва иншоотларни қуриш муаммоларини ҳал қилиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устивор йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда: грунтларнинг физик-механик ҳоссаларига тузлар таъсирини моделлаштириш; шўрланишнинг қурилиш материалларига салбий таъсирини камайтириш; шўрланган грунтларнинг механик ҳоссаларини аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш; шўрланган ҳудудларни районлаштиришда замонавий технологияларни жорий этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қорақалпоғистон грунтларининг шўрланишини тизимли равишда илмий урганиш ҳозирги кунгача асосан қишлоқ хўжалиги секторининг масалаларини ҳал қилишга бағишланган, яъни уларнинг шўрланиши ер ости сувлари сатҳигача ўрганилган. Бино ва иншоотларнинг чўкишини ҳисоблаш ва уларни қуриш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун эса, грунтнинг каттароқ чуқурликдаги, яъни бино ва иншоотларнинг пойдеворларига таъсир этиш зонасидаги грунт қатламларида тузларнинг тарқалиш характериини ўрганиш амалий қизиқиш уйғотади. Ўзбекистон шароитларида олиб бориладиган қурилиш масалаларига мос равишда шўрланган грунтларни тадқиқ этишга Г.А.Мавлянов, Х.А.Хасанова, А.Д.Қаюмов, И.А.Агзамова, Р.М.Худойқулов, Я.С.Содиқов ларнинг ишлари бағишланган. Мазкур ишларда грунтларининг шўрланишини тадқиқот қилиш натижалари келтирилган; уларнинг таҳлили эса шўрланган грунтларнинг физик-механик ҳоссаларига намлик таъсир қилишини кўрсатади.

Грунтнинг механик ҳоссаларига тузларнинг таъсирини урганиш бўйича чет элларда ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари, улар асосан тошлоқ ерлар учун ўтказилганини кўрсатди: Agudo E., Mees F., Jacobs P., Alonso E.E., Olivella S., Angeli M., Bigas J.P, Benavente D., Garcia del Cura M.A , Li Y.P, Liu J., Yang C.H., Liang W.G, Yang C.H., Zhao Y.S., Xie L.Z., Zhou H.W, Xie H., Yang C.H, Li Y.P, Chen F., Wu W., Yang C.H, Hou Z.

В.П. Петрухин томонидан тизимлаштирилган қояли (тошлоқ) бўлмаган грунтларнинг физик-механик характеристикаларини ўрганиш натижаларини таҳлил қилиш – грунтларнинг деформацияланиши асосан компрессион сиқиш ва бир текислик бўйлаб силжишни аниқлаш асбоблари ёрдамида ўрганилганлигини кўрсатди. Бу асбоблар силжиш ва ҳажмий деформациялар ривожланишини тадқиқ қилиш имконини бермайди. Профессор З.Г.Тер-Мартirosян концепциясида, шўрланган грунтларнинг заррачалари орасидаги цементацион боғланишлар сувга чидамсизлиги оқибатида, мураккаб зўриқиш ҳолати шароитида, шак-шубҳасиз биринчи навбатда қўшимча силжиш деформациялари, кейин эса қўшимча ҳажмий деформациялар ҳақида гапириш мумкин деб айтилган. Амалдаги тадқиқотларнинг таҳлили мазкур концепция экспериментал тадқиқотлар билан исботланмаганлигини кўрсатади.

Бугунги кунгача Қорақалпоғистоннинг суғориладиган минтақасининг 10-12 м чуқурликгача бўлган грунтларнинг шўрланиш ва сув ўтказувчанлик хусусиятларини акс эттирувчи харита-схемалари мавжуд эмас. Қорақалпоғистондаги грунтларнинг механик хоссаларига тузларнинг таъсири тадқиқот қилинмаган, грунтларнинг шўрланишини башорат қилиш асослари ишлаб чиқилмаган ва гипслашган худудларининг муҳандислик-геологик шароитлари тадқиқ этилмаган. Амалдаги тадқиқотлар таҳлили сув таъсири натижасида бинолар ва турли иншоотларнинг пойдеворлари асосидаги шўр грунтларнинг зўриқиш-деформацияланиш вазиятининг ўзгариши ва асосларнинг пойдеворлар билан ўзаро таъсири кам ўрганилганлигини кўрсатди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган ташкилотнинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ: «Қорақалпоғистон шўрланган грунтларининг физик-механик хоссаларини тадқиқот қилиш» (1991-1996 йй.), ФТҚФ № 61-96 «Жанубий Орол буйи грунтлари шўрланишига антропоген таъсир» (1996-1997 йй.), «Қорақалпоғистон ерлари шўрланиши муносабати билан уларнинг муҳандислик-геологик шароитларини аниқлаш» (1998 – 2000 йй.), «Амударё дельтаси шўрланган грунтларининг мустаҳкамлиги, сиқилувчанлиги ва фильтрацион хоссаларини тадқиқ этиш» (2001-2003 йй.), «Қорақалпоғистон Республикасининг шўрланган грунтларида бино пойдеворларининг янги, ресурс тежамкор конструкцияларини ишлаб чиқиш» (2000-2003 йй.), ФТДК-16 «Қорақалпоғистон Республикасининг шўрланган грунтларида бино пойдеворларини лойихалаш методларини ишлаб чиқиш» (2009-2011йй.), ФА-А2-ГОО67 «Қорақалпоғистон грунтларини сув ўтказувчанлигини ҳисобга олган ҳолда суғориш ва шўр ювиш сувларидан дифференциал фойдаланиш методини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.), ФА-А7-ТО88-ПЗ-2014-0904161521 «Жанубий Оролбуйи суний, табиий кўллар ва вэтландлар иншоотлари асосларининг шўрланган грунтларининг физик-механик хоссаларини тадқиқот қилиш («Междуречье» сув омбори мисолида)» (2015-2017 йй.), ФА-Атех-2018-62 «Жанубий Оролбўйи суний, табиий кўллар тўғонларини ишончли лойихалаш, қуриш ва хавсиз эксплуатация этишнинг муҳандис-геологик илмий асосларини ишлаб чиқиш («Майпост» ва «Междуречье» кўллари мисолида)» (2017-2019) каби фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон грунтларининг шўрланиш ва физик-механик хоссаларининг хусусиятларини баҳолаш ва бу грунтларда бино ва иншоотларни лойихалаш, қуриш ва хавсиз эксплуатация қилишнинг муҳандис-геологик илмий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари.

Кўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги асосий вазифалар ҳал этилган:

шўрланган грунтларнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш бўйича бажарилган тадқиқотларнинг натижалари йиғилди ва тартиблаштирилди,

Қорақалпоғистоннинг шўраланган худудларида дала мухандислик-геологик тадқиқотлари ўтказилди;

Қорақалпоғистоннинг шимолий қисмидаги суғориладиган худудларнинг шўрланиш ва сув ўтказувчанлик харита-схемалари тузилди;

Қорақалпоғистоннинг шимолий қисмидаги суғориладиган худудларни шўрланиш концепцияси ишлаб чиқилди;

Қорақалпоғистон грунтларининг сув ўтказувчанлиги ва физик-механик хоссаларининг ўзгариш қонуниятларини экспериментал аниқлаш бўйича лаборатория ва дала тадқиқотлари ўтказилди;

бархан кўчма куми мисолида сунъий шўрланган грунтнинг мураккаб зўриқиш шароитида деформацияланиш хусусиятлари баҳоланди;

бинолар асосининг зўриқиш-деформацияланиш вазиятига тузларларнинг сув билан ювилиб чиқишининг таъсири ўрганилди;

Қорақалпоғистон шароитида шўрланган грунтларда иморатлар ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва хавфсиз эксплуатация қилиш бўйича мухандислик-геологик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистоннинг шўрланган грунтлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети. Қорақалпоғистон грунтларининг шўрланишини, физик-механик хоссаларини, грунтлар шўрланишининг бино ва иншоотларни қуриш шароитларига таъсирини мухандислик-геологик баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мухандислик-геологик тадқиқотлар амалиётида қўлланиладиган усуллар ишлатилган. Жумладан грунтларнинг таркиби ва физик-механик хоссаларини тадқиқ қилишнинг дала ва лаборатория услублари, худудларнинг мухандислик-геологик хариталарини тузиш ҳамда грунт механикаси, туташ муҳит механикаси ва гидравликага оид сонли ва аналитик услубларни қамраб олган. Қумларнинг механик хоссаларига тузлар таъсирини ўрганиш учун уч ўкли сиқиш асбоби (стабилометр) қўлланилган ва синовлар махсус ишлаб чиқилган методика бўйича ўтказилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Қорақалпоғистоннинг шимолий қисми суғориладиган худудлар учун грунтларнинг шўрланиш даражаси бўйича мухандислик-геологик районлаштирилган;

Қорақалпоғистоннинг шимолий қисмида 10,0 метр чуқурликгача шўрланган грунтларнинг фильтрация коэффициентининг ва деформация модулининг мазкур грунтларнинг физик кўрсаткичларига боғлиқлик корреляцион формулалари аниқланган;

илк бор сунъий равишда шўрланган кўчма (бархан) қумларни уч ўкли сиқиш шароитларида синаш ёрдамида тузлар дастлаб фақат силжиш деформациялари ривожланишига таъсир этиши, силжиш деформациялари тугагандан кейин ҳажмий деформациялар содир бўлиши исботланган;

прессиометрия усулини шўрланган грунтларнинг деформацияланиш характеристикаларини аниқлашда қўллаш асосланган;

пойдевор таъсири остидаги грунт массивининг зўриқиш-деформацияланиш ҳолатига тузлар таъсир этишининг қонуниятлари аниқланган;

грунтларда оқувчанлик (суюклашиб силжиш) хоссаларининг пайдо бўлиш шароитлари асосланган ҳамда жарликлар (каньонлар) пайдо бўлишини таърифловчи тенглама аниқланган;

иморат ва иншоотларнинг пойдеворлари чўкишини ҳисоблашда грунтларнинг шўрланишини ҳисобга олиш услуби ишлаб чиқилган;

грунтларнинг тиксотроп хоссаларини юзага келиши назарий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Қорақалпоғистоннинг шимолий қисмида 10,0-11,7 метргача чуқурликда, Нукус шаҳрида эса ер ости сувларининг сатҳига жойлашган грунтларининг шўрланиши, сув ўтказувчанлигининг харита-схемалари тузилди, ва Нукус шаҳри грунт сувларининг сатҳини пасайтириш бўйича мухандислик-геологик тавсиялар ишлаб чиқилган;

Қорақалпоғистоннинг шимолий қисми аллювиал ётқизиклари учун фильтрация коэффициентининг грунт таркиби ва физик хоссаларига ҳамда деформация модулининг дастлабки ғоваклилик коэффициентиға боғлиқлигини тавсифлайдиган экспериментал корреляцион формулалар олинган;

«Междуречье» сув омбори ва «Майпост» кўлининг тўғонларини лойиҳалаш, эксплуатация қилиш, Қорақалпоғистоннинг гипслашган грунтларида бино ва иншоотларни қуриш ва эксплуатация қилиш бўйича мухандислик-геологик тавсиялар берилган;

Қорақалпоғистоннинг суғориладиган ҳудудидаги грунтлар шўрланишининг математик моделининг концепцияси ишлаб чиқилган.

Қорақалпоғистоннинг гипслашган грунтларида бино ва иншоотларни хавсиз эксплуатация қилиш ва Нукус шаҳри биноларининг пойдеворларини грунт сувларининг агрессив таъсиридан ҳимоя этиш бўйича тавсиялари илк бор ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотлар натижаларининг ишончлилиги Қорақалпоғистонда бурғиланган 457 пармалаш қудуқлари бўйича ўтказилган мухандислик-геологик тадқиқотлар материаллари билан таъминланган. Қуйидаги ҳажмда бурғилаш қудуқларидан олинган грунтларнинг намуналари ўрганилди: Қорақалпоғистоннинг шимолий қисмида – чуқурлиги 11,7 метргача 45 та бурғилаш қудуғи; Кўнғирот заводининг иккинчи навбатдаги қурилиш ҳудудида – чуқурлиги 35 метргача 104 бурғилаш қудуғи; «Тебинбулоқ» конининг титанмагнетит маъданларини ўзлаштириш бўйича барпо этилган объектлар ҳудудида – чуқурлиги 10 м. 10 та бурғилаш қудуғи; Орол денгизининг қуриган тубида – чуқурлиги 15 м 58 та бурғилаш қудуғи; «Междуречье» сув омбори ва «Майпост» кўли тўғонларининг асоси бўйича – чуқурлиги 15 метргача 200 та қудуқ; Нукус шаҳрида – чуқурлиги 8,0 метргача 40 та бурғилаш қудуқлари. Стандарт лаборатория усуллари билан

Қорақалпоғистон грунтларининг 253 та намунасининг физик-механик хоссалари ўрганилди. Уч ўқли сиқиш усулида махсус экспериментал лаборатория синовлари ўтказилганлиги ҳамда Plaxis компьютер дастурини қўллаш билан сонли ҳисоблашлар амалга оширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қорақалпоғистоннинг шўрланган грунтларида бинолар ва иншоотларни қуриш ва эксплуатация қилишнинг муҳандислик-геологик асослари яратилганлиги ва чоп этилган мақолалардан олинган цитаталар жаҳоннинг етакчи илмий журналларида келтирилганлигидадир. Диссертация натижалари баён этилган мақолалардан келтирилган цитаталарнинг умумий сони Google Scholar бўйича – 38 та, импакт фактори 1,435 дан 7,943 гача бўлган журналларда келтирилган цитаталар сони – 10 та (журналларнинг умумий импакт фактори – 36,40; импакт факторларга эга журналлар сони – 9 та). Муаллифнинг диссертация доирасида чоп этилган мақолаларининг Хирш индекси – 3.

Тадқиқот мобайнида олинган натижаларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, грунтларнинг шўрланишини баҳолаш ва шўрланган грунтларнинг физик-механик хоссаларини аниқлаш бўйича услубий ёндошувлар Қорақалпоғистоннинг шўрланган грунтларида бино ва иншоотларнинг асосларини ва пойдеворларини ишончли, тежамли лойиҳалаш ва эксплуатация қилиш имконини беради. Тадқиқот натижалари Ўзбекистоннинг ва Туркменистоннинг шўрланган грунтларида бино ва иморат қуришнинг муҳандислик-геологик асосларини ишлаб чиқишда қўлланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистоннинг шўр грунтларида бино ва иншоотлар қуришнинг муҳандислик-геологик асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қорақалпоғистоннинг шимолий қисми суғориладиган ерлари грунтларнинг 11,7 метргача чуқурликдаги шўрланиш ва сув ўтказувчанлик харита-схемалари ҳамда грунтларнинг сув ўтказувчанлиги ва деформация модулининг уларнинг физик хоссаларига корреляцион боғлиқлик формулалари «UzGIP» МЧЖнинг Қорақалпоқ шўба корхонаси ва МЧЖ «Нукусгорландшафтпроект» корхонасида, Давлат лойиҳалаш, қурилишда муҳандислик изланишлар, геоинформатика ва шаҳар қурилиши кадарстри институтининг Қорақалпоқ филиалида (ДУК «OZGASHKLITI») жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазирлигининг 01-07/01-2186-сон маълумотнома). Натижада лойиҳалаш ва муҳандислик геология ишларини бажариш муддатини қисқартириш имконини берган;

уч ўқли сиқиш шароитида сунъий равишда шўрлантилган кўчма (бархан) кумларнинг механик хоссаларига тузлар таъсир қилишининг экспериментал аниқланган қонуниятлари ҳамда шўр грунтларнинг деформацион хоссаларини аниқлаш учун прессиометрия усулини қўллашнинг назарий асоси «OZGASHKLITI» ДУКнинг Қорақалпоқ филиалида жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазирлигининг 01-07/01-2186-сон маълумотнома). Натижада шўр

грунтларнинг механикавий хоссаларининг ишончли кўрсаткичларини олишга имкон берган;

бинолар ва иншоотларнинг босими таъсири остидаги грунтлар массивининг зўриқиш-деформацияланиш вазиятига тузларнинг таъсир этиш қонуниятлари ва иморатларнинг пойдеворларига тузларнинг таъсирини камайтириш бўйича мухандислик-геологик тавсиялар МЧЖ «Нукусгорланшафтпроект»да жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазирлигининг 01-07/01-2186-сон маълумотнома). Натижада пойдеворларнинг ишончли конструкцияларини ишлаб чиқиш имконини берган;

Кулон-Мор мустаҳкамлик назарияси ва туташ муҳит механикаси асосида аниқланган грунтларда оқувчанлик (суюқлашиб силжиш) хоссалари пайдо бўлишининг шароитлари ҳамда грунтлар механикаси ва гидравлика тенгламаларини биргаликда ечиш орқали олинган жарларнинг (каньонларнинг) пайдо бўлишини тарифловчи тенглама ва Орол денгизининг қуриган тубида каньонлар пайдо бўлаётган районларидаги мухандислик-геологик тадқиқотлар натижалари «UzGIP» МЧЖнинг Қорақалпоқ шуъба корхонасида жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазирлигининг 01-07/01-2186-сон маълумотнома). Натижада «Майпост» кўлининг узунлиги 29,4 км.га тенг тупроқли тўғони ҳамда узунлиги 2700 м., қиймати (2016 й. нархларида) 16 млрд. сум бўлган «Междуречье» сув омборининг тўғонини ишончли лойиҳаланиши ва хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилган;

Қорақалпоғистоннинг гипслашган грунтларида бино ва иншоотларнинг пойдеворларини лойиҳалаш бўйича тавсиялар «Ўзбекгидрогеология» ДУК нинг Оролбуйи дала гидрогеологик экспедициясида мухандислик-геологик хулосалар ишлаб чиқаришда қўллаш учун ва МЧЖ «Кўнғирот сода заводи»да кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқаришни кенгайтиришга мўлжалланган бино ва иншоотларни лойиҳалашда жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазирлигининг 01-07/01-2186-сон маълумотнома). Натижада қурилиш объектларининг ишончли лойиҳаланишини таъминлашга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий анжуманларида ва битта халқаро симпозиумда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 55 илмий иш чоп этилган. Улардан 2 таси монография, 35 та илмий мақолалар; шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 12 та илмий мақолалар, жумладан 11 мақолалар республика ва 1 та мақола хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби – кириш, 7 та боб, хулоса, иловалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умимий ҳажми 289 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида муаммонинг долзарблиги, тадқиқотларнинг зарурати асосланган, диссертация ишининг мақсади, вазифаларининг мазмуни, тадқиқот усуллари тавсифланган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ва янгилиги кўрсатилган, ҳимояга олиб чиқиладиган муаммо ечимлари баён этилган.

Мавжуд тадқиқотлар натижаларининг таҳлилига кўра Қорақалпоғистоннинг суғориладиган шимолий худуди энг кўп шўрланган бўлиб, у асосан осон эрувчан тузлар билан шўрланган. Устюрт платоси худудидаги грунтлар ва Қорақалпоғистоннинг айрим жанубий районларидаги грунтлар таркибида қийин эрийдиган тузлар турига мансуб гипс тарқалган. Шу сабабли Қорақалпоғистоннинг ҳам шимолий қисмида, ҳам гипслашган худудларда тадқиқотлар олиб борилди

Диссертациннинг **«Шўрланган грунтларнинг мухандислик-геологик хоссаларининг таҳлили ва бино ва иншоотларни Қорақалпоғистоннинг шўрланган грунтларида қуриш муаммолари»** деб номланган биринчи бобида грунтларнинг физик-механик хоссаларига тузлар таъсирини ўрганиш бўйича мавжуд тадқиқотлар натижалари келтирилиб, эрувчан тузлар грунтларнинг физик-механик хоссаларига таъсир этиши кўрсатилган. Масалан, шўрланган грунтларни экспериментал тадқиқ этиш натижалари сув таъсирида грунтдан тузларнинг эриб чиқиб кетиши оқибатида грунтларнинг мустаҳкамлик ва деформацион хоссалари ўзгаришини кўрсатади. Грунтларда ва ер ости сувлари таркибида тузларнинг миқдори ортиши уларнинг агрессивлигини ортиради, бу эса ер ости бетон конструкцияларининг муддатидан олдин емирилишига ва ер ости мухандислик коммуникацияларининг коррозиясига олиб келади.

Қорақалпоғистон суғориладиган минтақасининг ер соти сувлари сатҳининг ўзгаришларининг таҳлили, 1960- йилдан бошлаб ер ости сувларининг сатҳи кўтарилганлигини кўрсатади. Масалан 2000- йилда, 1960- йил билан солиштирганда, ер ости сувларининг сатҳи қарийб икки маротаба ортиган. Ер ости сувларининг ўртача сатҳи 1960- йилда ўртача 4 м атрофида бўлса, 2000- йилга келиб ер ости сувларининг сатҳи 2 м гача кўтарилган. Бу эса грунтларнинг шўрланишига ва ер ости сувларининг агрессивлиги ошишига олиб келди. Нукус шаҳридаги айрим бино ва иншоотларнинг техникавий ҳолатини текшириш натижасида, уларнинг пойдеворлари ва деворлари муддатидан олдин емирилишининг асосий сабабларидан бири – ер ости сувларининг агрессив таъсири эканлиги аниқланди.

Шу билан бирга, Устюрт платосидаги айрим биноларни текшириш натижаларига кўра, бинолардан нотўғри фойдаланиш сабабли грунт таркибидан гипснинг сув таъсирида эриб чиқиб кетиши биноларнинг чўкишига олиб келган.

Илгари ўтказилган тадқиқотлар натижаларининг таҳлили Қорақалпоғистон худудида бино ва иншоотларни қуриш масалаларига мос

ҳолда грунтларнинг шўрланишини ўрганиш бўйича тадқиқотлар амалий жиҳатдан деярли олиб борилмаганлигини кўрсатади.

Диссертациянинг **«Қорақалпоғистоннинг шимолий қисми суғориладиган ҳудудлари грунтларининг шўрланишини баҳолаш»** деб номланган иккинчи бобида Қорақалпоғистоннинг шимолий қисмидаги суғориладиган ерларнинг 11,7 метргача чуқурликдаги грунтларнинг шўрланишини ўрганиш натижалари келтирилган. Қорақалпоғистоннинг шимолий қисмининг суғориладиган ерлари энг кўп шўрланганлиги сабабли ушбу ҳудуд танлаб олинган.

Қорақалпоғистоннинг шимолий қисмининг шўрланишини баҳолаш учун ушбу ҳудуднинг шўрланишини акс эттирувчи харита-схемалар тузилди. Бунинг учун грунтларнинг таркиби ва физик-механик хоссаларини аниқлаш бўйича дала муҳандислик-геологик ва лаборатория ишлари ўтказилди.

Қорақалпоғистоннинг шимолий қисмида қарийб 15 минг кв. км суғориладиган майдонларда бири биридан 15-25 км масофада жойлашган бурғилаш қудуқлари қазилган. Лаборатория тадқиқотлари натижаларига кўра текширилган грунтлар, асосан, чангсимон қумлар, қумлоқ тупроқ (супесь) ва қумоқ тупроқ (суглинок) каби аллювиал ётқизиклардан ташкил топган. Лаборатория тадқиқотларининг натижаларига асосан Қорақалпоғистоннинг шимолий қисми шўрланишининг харита-схемалари тузилди (1- ва 2- расм.); бу хариталар грунтлар сульфат бирикмалар таъсирига чидамсиз бетонларга агрессив таъсир этувчи тузлар билан шўрланганлигини кўрсатади. Шунга ўхшаш хариталар Нукус шаҳри учун ҳам тузилган бўлиб, шаҳарнинг марказий қисмидаги грунтлар энг кўп шўрланганлигини кўрсатди (3-расм). Маълумотларни таҳлил қилиш асосида, Қорақалпоғистон грунтлари шўрланишининг асосий сабаблари – ерларни ортиқча миқдорда суғориш ва Орол денгизининг қуриган тубидан тузларнинг олиб чиқилиши эканлиги аниқланди. Энг кўп шўрланган грунтлар, асосан, гилли грунтлар интенсив суғориладиган жойларида учрайди. Қорақалпоғистон грунтларининг шўрланишига антропоген омиллар таъсири миқдорий жиҳатдан таърифланди. Тадқиқотлар асосида Қорақалпоғистон грунтлари шўрланишининг математик модели концепцияси ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг **«Қорақалпоғистоннинг шимолий қисмининг суғориладиган зонасидаги шўрланган грунтларнинг физик-механик хоссалари ва сув ўтказувчанлиги»** деб номланган учинчи бобида Қорақалпоғистоннинг шимолий қисмининг суғориладиган ҳудудидаги шўрланган грунтларининг физик-механик хоссалари ва сув ўтказувчанлигини тадқиқ этиш услубияти ва тадқиқот натижалари келтирилган.

Лаборатория шароитида Литвинов асбобида 2,0, 5,0 ва 10,0 м чуқурликдаги грунтларнинг фильтрация коэффициентининг қийматлари аниқланди. Фильтрация коэффициенти грунтларнинг пластиклик сони ва ғоваклилик коэффициенти билан қуйидагича корреляцион боғланиши аниқланди.

Ғоваклилик коэффициенти $0,65 \leq e_0 \leq 0,85$ ва пластиклик сонининг $0 \leq I_p \leq 17$ қийматлари учун,

$$K_\phi = -1,05 \cdot 10^{-7} + 1,86 \cdot 10^{-6} / I_p \quad (\text{см/сек}). \quad (1)$$

Ғовоклилик коэффициенти $0,55 \leq e_0 \leq 0,65$ ва пластиклик сонининг $3 \leq I_p \leq 14$ қийматлари учун,

$$K_\phi = 9,02 \cdot 10^{-9} + 2,33 \cdot 10^{-7} / I_p \quad (\text{см/сек}). \quad (2)$$

Ғовоклилик коэффициенти $0,45 \leq e_0 \leq 0,55$ ва пластиклик сонининг $2 \leq I_p \leq 14$ қийматлари учун,

$$K_\phi = 3,50 \cdot 10^{-9} + 2,55 \cdot 10^{-7} / I_p \quad (\text{см/сек}). \quad (3)$$

Ўртача, барча тажрибалар натижалари (Ғоваклилик коэффициентни ўзгариш диапазони $0,45 \leq e_0 \leq 0,85$, пластиклик сонининг ўзгариш диапазони $2 \leq I_p \leq 17$) бўйича қуйидаги формула олинди:

$$K_\phi = 8,73 \cdot 10^{-9} + 2,37 \cdot 10^{-7} / I_p \quad (\text{см/сек}). \quad (4)$$

Қумли грунтлар учун фильтрация коэффициентини 0,1 мм дан кичик заррачалар миқдorigа боғлиқ бўлади. Ғовоклилик коэффициентининг $e = 0,65 \div 0,75$ қийматлари учун қуйидаги боғланиш аниқланди:

$$K_\phi = 2,64 \cdot 10^{-4} - 6,33 \cdot 10^{-6} \cdot \Gamma, \quad \text{см/сек}, \quad (5)$$

бунда Γ – ўлчами 0,1 мм дан кичик заррачаларнинг процент ҳисобидаги миқдори.

Ғоваклилик коэффициентини 0,45 дан 0,55 гача (таркибидаги ўлчами 0,1 мм дан кичик гил заррачаларининг миқдори 4,5 % дан 8,5 % гача) бўлган қумли грунтлар бўйича ўтказилган экспериментлар натижаларининг чиқиқли апроксимацияси қуйидаги функция билан ифодаланади:

$$K_\phi = 10^{-5} - 1,488 \cdot 10^{-7} \cdot \Gamma \quad (\text{см/сек}). \quad (6)$$



Ер юзасидан 2, 5, 10 м чуқурликда жойлашган сув ўтказувчи ётқиқиқларнинг харита-схемалари тузилган (4- расм). Таҳлил қуйидагиларни кўрсатди, 2 м гача чуқурликдаги энг кўп сув ўтказувчи грунтлар Қораўзак ва Чимбой туманлари марказларида ва Мўйноқ шаҳридан жануброқда жойлашган. Энг яхши сув ўтказувчанликга эга грунтлар Хўжайли, Қанликўл, Оқманғит районлари худудида, шунингдек, Чимбой туманининг шимолий қисмида ва Мўйноқ туманининг шарқий қисмида (Амударёнинг чап қирғоғида) жойлашган. Чуқурликнинг ортиб бориши билан сув ўтказувчи грунтларнинг майдони ошиб боради.

Деформация модули ташқи босим интервалига ва грунтнинг турига боғлиқ ҳолда ғоваклидик коэффициентининг бошланғич қийматига боғлиқ бўлади; бошланғич ғоваклилик коэффициентининг камайиши босимнинг барча интервалларида деформация модулининг ортишига олиб келади (5- расм).



1- расм. Қорақалпоғистоннинг шимолий қисмидаги грунтлар шўрланишининг харита-схемаси (қалинлик 0-11,7 м).

Тузлар концентрацияси: 1– 0-0,5 %, 2 – 0,5-1,0 %, 3 – 1-2,0 %, 4 – 2, 0-5,0 %; 5– профиллар.




2- расм. Қорақалпоғистоннинг шимолий қисмидаги грунтлар шўрланишининг харита-схемаси (қалинлик 0-11,7 м).

Тузлар таркиби: 1 – хлорид, 2 – сульфатли, 3 – хлорид-сульфатли, 4 – сульфат-хлоридли; 5 – профиллар




3- расм. Нукус шаҳри ер ости сувларининг сатҳига қадар грунтлар шўрланишининг харита-схемаси.

Тузлар концентрацияси: 1– 0,0-0,5 %, 2– 0,5-1,0 %, 3 – 1,0-2 %, 4– 2,0 - 5 %; 5 – скв.



4- расм. Амударё дельтаси грунтларининг сув ўтказувчанлик харита-схемаси
а) – 2,0 м; б) – 5,0 м; в) – 10,0 м.



5- расм. Деформация модулининг (МПа) ғоваклилик коэффициентининг бошланғич қийматига экспериментал боғланиши. Босим интервали 1-0,2 МПа
а) кумок тўпроқлар (суглинкалар); б) кумлоқ тўпроқлар (супеслар); в) кумлар

Н.М.Герсеванов номидаги илмий тадқиқот институтида ишлаб чиқилган Д-108 прессиометрда «емирилишга қадар юклаш» дастури бўйича грунтларни синаш тажрибалари ўтказилди. Деформация модулини экспериментал текшириш натижалари қуйидагиларни кўрсатди:

а). Кумлоқ тупроқлар учун ташқи босимнинг 0,1-0,2 МПа ва 0,2-0,3 МПа интервалларида деформация модулининг ғоваклилик коэффициентининг бошланғич қийматига боғлиқлиги чизикли характерга эга, яъни ғоваклилик коэффициенти камайиши билан деформация модулининг чизикли равишда ўсиши кузатилади. Вертикал йўналтирилган босимнинг 0-0,1 МПа, 0-0,2 МПа ва 0-0,3 МПа интервалларида деформация коэффициентининг деформация модулига боғлиқлиги ночизикли равишда ортади. Ночизиклилик деформация модули ўқига нисбатан дўнгликсимон тарзда ортиши кузатилади.

б). Кумок тупроқлар (суглинкалар) учун вертикал босимнинг 0,3 МПа гача барча интервалларида бошланғич ғоваклилик коэффициентининг камайиши билан деформация модулининг ортиши кузатилади. Бунда мазкур боғланиш ночизикли характерга эга бўлиб, деформация модули қийматининг ўқига нисбатан дўнгсимон жойлашган нукталар сифатида кузатилади.

в). Кумлар учун босимнинг барча интервалларида деформация модулининг ғоваклилик коэффициентининг бошланғич қийматига боғлиқлиги чизикли характерга эга бўлади.

г). Шўрланган кумок тўпроқлар (суглинкалар)нинг деформация модулини компрессия ва прессиометрия усуллари билан аниқлаш натижалари, прессиометрия усулида аниқланган деформация модули қийматлари компрессия усули билан аниқланган қийматлардан 20-30 фоизга кичик эканлигини кўрсатди.

Қорақалпоғистон Республикасининг кўп қисмини «Қизилқум» саҳроси эгаллайди. Бархан қумларини биноларнинг қатламли дренаж системаси

сифатида қўллаш имконини аниқлаш мақсадида компрессия ва силжитиш асбобларида синовлар ўтказилди. Синов натижалари уларни пойдеворларнинг «қум ёстиқчалари» сифатида қўллаш мумкин эканлигини кўрсатди.

Диссертациянинг «**Тузларнинг грунтларнинг уч ўқли сиқиш шароитида механик хоссаларига таъсирини урганиш бўйича экспериментал тадқиқотлар**» деб номланган тўртинчи бобида уч ўқли сиқиш шароитларида тажриба экспериментал усканаси, синов методикаси ҳақидаги маълумотлар ва тузларнинг грунтларнинг механик хоссаларига таъсирини ўрганиш бўйича синов натижалари келтирилган. Стабилометрда синаш учун бархан қумининг куруқ ҳолидаги намуналари шакллантирилди, улардаги тузнинг миқдори – 0,0; 5,0; 10,0; 15,0 ва 20,0 %% ташкил этди. Қумни сунъий шўрлантириш учун ош тузи NaCl ишлатилди. Намуналарнинг зичлиги $1,71 \text{ г/см}^3$ ни ташкил қилди, ўлчамлари эса диаметри – 54 мм ва баландлиги – 108 мм. Уч ўқли сиқиш синовини қуйидаги зўриқтириш дастури бўйича ўтказилди. Дастлаб намунада гидростатик (ҳажмий) босим ҳосил қилинди, у намунага кетма-кет ўсивчи этиб берилди. Ҳажмий деформациянинг якуний босқичи тўхтаганнан кейин грунт номунаси пастдан сув оқими билан ювилади. Сувни фильтрациялаш давомида намунанинг ҳажмининг ўзгариши кузатилади. Сувнинг берилиши деформациянинг ГОСТ 12248-2010 да қабул қилинган шартли тўхташ қийматига еткунга қадар тўхтатилмади.

Ҳажмий деформациялар тўхтаганнан кейин намунага вертикал (девиатор) босим босқич билан намунанинг емирилишига қадар берилди. Ҳар бир вертикаль босим босқичи вертикал силжиш стабиллашишига қадар ушлаб турилди. Синовлар ҳажмий босимнинг учта қийматида ўтказилди.

Ҳажмий босимнинг учта қийматининг натижалари бўйича профессор Ю.К. Зарецкий тавсия қилган уч ўқли синовлар паспорти тузилди. Гидростатик босим траекториясида қуйидаги формула орқали ҳажмий деформация модули тузнинг ювилишигача K гача ва K_s ювилишидан кейинги қийматларида аниқланди:

$$K = \sigma_v / \varepsilon_v; \quad (7)$$

$$K_s = \sigma_v / \varepsilon_{vs}, \quad (8)$$

Бунда, σ_v – гидростатик босим; ε_v – тузнинг ювилишигача грунтнинг ҳажмий деформацияси; ε_{vs} – тузларнинг ювилишидан кейинги грунтнинг ҳажмий деформацияси.


Деформация модуллари эластиклик назариясининг қуйидаги формуласи орқали аниқланди:

$$E = K/3(1-2\nu); \quad (9) \quad E_s = K_s/3(1-2\nu), \quad (10)$$

E , E_s - тузларнинг ишқорланишидан олдин ва кейинги мос ҳолда деформация модуллари; ν - Пуассон коэффициенти.

Расм 7 да деформация модулининг ҳажмий босимнинг ҳар хил қийматларида NaCl миқдорида боғликлиги келтирилган, унинг таҳлили туз миқдорининг ортиши билан деформация модулининг камайиши юз беришини кўрсатади. Деформация модулининг туз миқдорида экспериментал боғликлиги туз миқдори ўқиға ботиклигига эға экспоненциал функция билан апроксимацияланади.


Тажирибалар натижалари анализи шуни кўрсатади, NaCl нинг мавжудлиги, қумнинг ички ишқаланиш бурчагига таъсир кўрсатади. Туз миқдорининг 10% гача ортишида ички ишқаланиш бурчаги қийматининг камайиши кузатилади, туз миқдорининг бундан кейинги 20% гача ошиши ички ишқаланиш бурчаги қийматини ошишиға олиб келади. Экспериментларнинг натижалари, туз грунтларнинг механик хоссаларига таъсир қилишини кўрсатди. Туз айниқса ҳажмий деформацияға таъсир кўрсатиб, бу тузларнинг сув таъсирида ювилип кетиши билан боғлиқ. Шу билан бир қаторда, уч ўқли синовлар натижаси тузларни ювишдан кейин девиатор босим билан зўриктирилганда, номунанинг ҳажмий деформациянинг озгина ўзгариши кузатилади. Туз миқдори 15% ва 20% бўлган бархан қумларини уч ўқли синовларда, ҳажмий суффозион деформацияларнинг шартли тўхтаганнан кейин девиатор юклашда ҳажмий деформациялар деярли ўзгармайди. Юклашнинг девиатор траекториясида фақат силжиш деформациялари ривожланади.



Расм 7 Бархан қуми деформация модулининг туз миқдорида боғликлиги

Юкланиш траекториясининг шўрланган грунт деформацияланишиға таъсирини ўрганиш мақсадида махсус уч ўқли синовлар ўтказилди. Бунинг учун NaCl – 10 % миқдорида эға ва шўрланмаган бархан қуми қуйидаги эксперимент дастури бўйича синовдан ўтказилди. Дастлаб гидростатик сиқиш амалға оширилди, сўнгра ҳажмий деформациялар стабиллашгандан кейин девиаторлик юклаш чегаравий девиатор зўриқишнинг 30% гача амалға оширилди. Вертикаль деформациялар стабиллашгандан кейин намуна намландири сув билан ювилди. Намунани ювиш ҳажмий деформациялар

тўтаганча ва тузларни намудадан ювилип чиқиши тугашигача амалга оширилди. Ҳажмий деформациялар стабиллашганидан кейин девиаторлик юклама босқичлар билан намуда емирилишига қадар берилди. Расм. 8 да 10% туз микдорига эга кумда ўтказилган уч ўқли синовларининг натижаси келтирилган. Эксперимент натижаларининг (Расм 8 да келтирилган) таҳлили, шўрланган бархан қумининг сувда ювишлиши ҳажмий ва силжиш деформацияларининг кескин ортишига олиб келишини кўрсатти, бу эса қумнинг хоссалари ва тузнинг ювилиши билан боғлиқ. Силжиш деформацияларининг ривожланишининг таҳлили «девиатор юклашдан кейин ювиш» синаш схемасида силжиш деформациялари «гидростатик юклашдан кейин ювиш» синаш схемасига нисбатан катта бўлганини кўрсатти.



Расм 8. Юкланиш траекториясининг бархан қумининг уч ўқли синовларда (10% ли шўрланиш) деформацияланишига таъсири:

- 1- гидростатик сиқишдан кейин шайиш ва ишқорланиш;
- 2- шунинг ўзи девиатор юклашдан кейин


Мазкур ишнинг иккинчи бобида келтирилган тадқиқот натижалари грунтларнинг шўрланиши чуқурликга боғлиқ ҳолда ўзгаришини ва бунда грунтларнинг механик характеристикаларини аниқлашда ҳисобга олиш зарурлиги кўрсатди. Скважина атрофидаги ички босим остидаги грунт массивининг зўриқилишининг анализи, прессиометрик синовларда грунт массивида соф силжишга яқин шароитлар амалга оширилишини кўрсатти. Сунъий шўрланган бархан қумларни уч ўқли синовларнинг натижалари З.Г. Тер-Мартirosян томонидан тавсия қилинган концепцияни тасдиқлайди, бунда заррачалар орасидаги мураккаб зўриқиш шароитларидаги цементацион боғланишларнинг (шўрланган грунтларда кузатилади) сувга чидамсизлиги биринчи навбатда қўшимча силжиш деформациялари ҳақида, сўнгра эса қўшимча ҳажмий деформациялари ҳақида гапириш керак деп айтилган.

Юқорида қайд қилинганлар, грунтларнинг деформатив характеристикаларини дала шароитларда аниқлашда прессиометрия усулини қўллашга гувоҳлик беради.

Диссертациянинг «Қорақалпоғистоннинг гипслашган ҳудудларини муҳандислик-геологик тадқиқот қилиш» деп номланган бешинчи бобида Қорақалпоғистоннинг гипслашган ҳудудларини муҳандислик-геологик тадқиқотлари натижалари ва ушбу ҳудудларда бино ва иншоотларни лойиҳалаш ва эксплуатациялаш бўйича тавсиялар келтирилган.

Устюрт платоси грунтларининг физик-механик хоссалари кам ўрганилган. Устюрт платоси Қорақалпоқ ҳудуди ва Тебинбулоқ конининг титанмагнетит жинсларини қайта ишлаш учун комплексни яратиш доирасида қуриладиган майдон асосан фойдали конларни қидириш йўналишида ўрганилган.

Қўнғирот сода заводи бино ва иншоотлар қурилиш майдонини ва «Тебинбулак» кони титанмагнетит жинслари конини қайта ишлаш объектларининг қурилиш майдонларини тадқиқ қилиш натижалари, қурилиш майдонлари грунтлари гипслашганини кўрсатди. Қўнғирот сода заводи қурилиш майдони оҳак тошидаги гипс миқдори 0,5 дан 39,8% гача бор. Гипслашган қатлам бино ва иншоотлар тасири чуқурлигида жойлашган. Тадқиқотлар «Тебинбулак» кони титанмагнетит жинслари конини қайта ишлаш объектларининг қурилиш майдонларидан олинган қумлар таркибида гипс миқдори 23,5% гача борлигини кўрсатди. Гипслашган грунтлар эса 13,0 м чуқурликгача жойлашган (расм 9).



Расм. 9 Гипсининг грунтлар таркибида чуқурлик бўйича ўзгариши.


Мавжуд тадқиқотлар натижалари, гипслашган грунтларни интенсив сувлантирилганда бинолар ва иншооларнинг қўшимча чўкиши рўй берганлигин кўрсатди. Шунга боғлиқ ҳолда юқорида кўрсатилган саноат объектларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишда грунтларнинг гипслашишини ҳисобга олиш зурур.

Гипсининг грунтнинг таркибидан ювилишинининг олдини олиш учун ва тузларнинг бино ва иншоотларнинг ер ости қисмларига агрессив таъсирини бартараф учун бино ва иншоотларни лойиҳалашда ва эксплуатация қилишда,

суғоришда сув тежамкор технологияларни қўллаш ва ер ости сувлари сатҳини мониторингини ўтказиш тавсия қилинади.

